

gan shaxsdir [3:174].

Xulosa qilib aytganda, ijodiy faoliyatni amalga oshirish va tashkil etishga bo'lgan zamonaviy zaruriyat hamda tayyorlik o'rtasidagi farqlar talabalarni ijodiy mustaqil ta'limning yana bir jabhasiga o'tishga undaydi. Talabalarining ichki ilmiy va ma'naviy dunyosini o'zgartirish, uning mazmun va mohiyatini o'zgartirishi, bo'lajak kasbiy peda-

gogik faoliyatida ijodiy o'z shaxsiyati, intellektual qobiliyati va shaxsiy imkoniyatlarini namoyon etish uchun yangi imkoniyatlarni izlash zarurligini anglashi talabaning ijodiy rivojlanishining asosiy shartidir. O'quv faoliyatining ilmiy-nazariy boyligi, ko'p qirraliligi va emotsional intensivligi talabalarni o'zlarini kasb-hunar o'rganishga hamda egalashga undaydi.

Adabiyotlar

1. Карлыбаева Г.Е. Системный подход в подготовке будущих учителей физики на основе инновационных технологий обучения. //World science: problems and innovations. 2018, – С. 249-252.
2. Карлыбаева Г.Е. Инновацион таълим муҳити шароитида бўлажак физика ўқитувчиларининг методикага оид компетентлигининг структуралӣ-функционал модели. –Нукус: //“Илим ҳам жамийет”, 2018, -С. 57-59.
3. Matjanov N.S. Fizika oqituv metodikasi. Sabaqliq. –Tashkent: «Yosh avlod matbaa», 2021, 336-b.
4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2007, 47-б.
5. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. дисс... автореферати. –Тошкент: 2012, 46-б.

REZYUME. Maqolada fizika o'qitish jarayonida talabalarining ijodiy qobiliyatini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyati haqida bayon etilgan. Shuningdek, talabalarda ijodiy qobiliyatlarini rivojini ta'minlovchi interfaol metodlar (keys-stadi, muammoli ta'lim) haqida ma'lumotlar berilgan.

РЕЗЮМЕ. В статье описывается особенность развития творческих способностей студентов в процессе обучения физике. Также дана информация об интерактивных методах (кейс-стади, проблемное обучение), обеспечивающих развитие творческих способностей студентов.

SUMMARY. The article describes the peculiarity of the development of students' creative abilities in the process of teaching physics. Information is also given about interactive methods (case studies, problem-based learning) that ensure the development of students' creative abilities.

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО АЛОҚАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ

Э.А.Менлимуратова – катта ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: талаба, маданиятлараро, инглиз тили, ёндашув, сўз, мулоқот, онг, дунёқараш, миллий, гуруҳ, тарбия, шарт.

Ключевые слова: студент, межкультурный, английский язык, общение, язык, сознание, мировоззрение, национальный, группа, образование, состояние.

Key words: student, intercultural, English language, communication, language, communication, consciousness, worldview, national, group, education, condition.

Хорижий тилларни ўрганиш ҳамда маданиятлараро мулоқот бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлиги мавжуд бўлиб, уни тушунтиришга ҳожат йўқ.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнидаги ҳар бир дарс машғулотини – бу маданиятлар чоррахаси, бу маданиятлараро мулоқот фаолияти билан боғлиқ бўлиши зарур, чунки ҳар бир инглиз тилидаги сўз, инглиз дунёси ва инглиз маданиятини ўзида акс эттиради ва ҳар бир сўзни замирида миллий онг билан шартланган кенг дунёқараш ётади. Чет тиллари ёрдамида маданиятлараро таълим натижасида ўқувчининг бошқа маданиятларга, яъни дунёга бўлган когнитив, хиссий-баҳолаш ва хулқ-атвор муносабатлари тизимини шакллантириш, унинг тасвири нафақат миллий маданиятида намоён бўлади, балки глобал, кўп маданиятли мазмунда ҳам қўлланилади [1:78-82].

Олий таълим муассасаларининг нофилологик йўналишлари талабаларига инглиз тилини ўргатиш жараёнида маданиятлараро алоқаларни кузатиш асосида уларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини такомиллаштиришнинг концептуал қоидаларини педагогик шарт-шароитлар сифатида қараб, уларни самарали амалга оширишнинг муҳим йўллари очиб берилади.

Хорижий тилларини ўқитиш бўйича ўқув дастури мазмунига маданий маълумотларни киритиш ўқув жараёнини қизиқarli қилиш истаги билан эмас, балки, ўқув жараёнининг ички зарурати билан боғлиқдир.

Илмий манбаларда “шарт” тушунчаси турли хил нуктаи назардан талқин этилади, масалан, фалсафий адабиётларда бу атама объект ва унинг мавжудлигини, моҳиятини билиш учун уни мавжуд бўлган муҳит билан боғлаб ўрганишни тақозо этади. Шартлар кўриб чиқиладиган объектнинг пайдо бўлиши, мавжуд бўлиш шароитларини кўриб чиқишни талаб қилади. Бундай тушунишда ҳар доим шарт ва шартли объект мавжуд

бўлади. Педагогикада шартлар ўқув жараёнининг асосий компонентлари – таълим фаолияти ҳамда унинг мазмунини ташкил этувчи дидактик категориялар мажмуаси орқали кўриб чиқилади.

Тадқиқотимиз давомида олиб борган изланишларимиз натижаларидан келиб чиқиб, маданият жуда мураккаб ижтимоий тузилма ҳисобланиб, маданиятлараро муносабатларни, илмий билимларни, дунёқарашни, хулқ-атвор ва ҳуқуқий меъёрларни, ахлоқий ва эстетик қадриятларни, тарихан таркиб топган урф-одатлар, анъаналарни ўз ичига олишига амин бўлдик. Маданият маданиятлараро мулоқот билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсонда моддий ва маданий бойликларни кўпайтиради, таълим-тарбия жараёнида эса муҳим маънавий роль ўйнайди.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида маданиятнинг таркибий қисмларини талабаларнинг таълим жараёнида сиёсий-иқтисодий маданиятни, меҳнат ва экологик маданиятни, ахлоқий-эстетик маданиятларни таркиб топтиришга ҳаракат қилдик. Тарбиявий ишлар талабаларда маданиятлараро муносабатларни шакллантиришда ўзига хос хусусиятга эгадир. Мазкур вазифани амалга оширишда тарбиявий ишларни маълум бир тизимда, ўзаро алоқада олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий тилларни ўрганиш жараёнида талабаларда намунали хулқ-атвор, нутқ маданияти, муомала ва кийиниш маданияти, миллатлараро муносабат масалаларини ҳал этишнинг ижобий усуллари танлаш, қўллаш маҳорати зарурлиги аниқланган.

Ш.Т.Халилова ўзининг тадқиқотларида “бугунги олий таълим муассасаларидаги чет тили ўқитувчисидан нафақат замонавий билимлар, илмий-методик изланишлар, балки ахлоқий маданият соҳасидаги билим ва малакалар ҳам талаб этилади” деган ғояни илгари суради [2:14-15].

Тадқиқотимиз давомида тадқиқот муаммосига оид илмий изланишларни олиб борган ўзбек олимларининг

ишлари билан биргаликда Е.Ю.Никитинанинг нуқтаи-назарини қўллаб-қувватлаган ҳолда, “педагогик шартлар” тушунчаси билан биз талабаларда маданиятлараро мулоқот компетенциясини такомиллаштиришга хизмат қилувчи олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида амалга ошириладиган ўзаро бир-бири билан боғлиқ чора - тадбирлар мажмуини тушунамиз. Талабаларда хорижий тил компетенциясини ривожлантириш учун зарур бўлган педагогик шартларни аниқлаш учун олий касбий таълимнинг эҳтиёжлари ва талаблари, ундаги таълим жараёни шароитлари ва ўқитиладиган фанлар ва уларнинг белгиланган компетенцияларни шакллантиришда қўлланилиш имкониятлари, ўқув жараёнида хорижий тили компетенциясини шакллантиришга етакчи ёндашувлар каби омиллар ҳисобга олинган [3:154].

Бизнинг фикримизча, инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларда маданиятлараро муносабатларни шакллантириш учун энг муҳим педагогик шартлар сифатида қуйидагилар таклиф қилинади:

- 1) талабаларнинг хорижий тилидаги (инглиз тили) мулоқот маданиятини фаоллаштириш;
- 2) бўлажак мутахассисларга инглиз тилини ўқитишнинг партисипатив методларини кенг қўллаш;
- 3) нофилологик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари талабаларини ўқитиш жараёнига ўйин менежментини киритиш;
- 4) талабаларда маданиятлараро муносабатларни шакллантириш жараёнида инглиз тилини ўқитиш дарс машғулотларида аудиовизуал воситалардан фойдаланиш.

Чет тилларини ўқитиш жараёни нуқтаи назаридан, “ўқув қуроллари” тушунчасининг талқини ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам берадиган барча моддий-техник базани ўз ичига олади.

Талабалар иштирокида ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш назорат диагностика блокани амалга оширишнинг энг мақбул усули ҳисобланади. Бунда жорий, оралиқ ва якуний назорат шакли ўқитувчи томонидан эмас, балки талабаларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади. Бу эса таълим жараёнида ортиқча кескинликнинг пасайишига, талабаларда рефлексиянинг ривожланишига, ўқитувчи томонидан бўладиган авторитар босимнинг пасайишига, ўқитувчи-талаба ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашишига олиб келади.

Шундай қилиб, ўқитувчи томонидан талабаларнинг индивид сифатида ривожлантирилишига, гуруҳда ижодкорлик фаолиятининг ўсишига, бирор масала ечимининг ягона йўлини тезкор ҳал қилишга эмас, балки аниқ ечишга шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Ўқитувчилар учун талабаларга инглиз тилини ўрганиш жараёнида маданиятлараро муносабатларни шакллантиришда ўйин технологияларини самарали бошқаришнинг педагогик таҳлил, яхлит тасаввур этиш, режалаштириш, башорат қилиш, ижрони ташкил этиш, назорат, бошқариш ва тузатиш каби 6 та бошқарув ҳаракатлари мавжуд.

Инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабаларда маданиятлараро муносабатларни шакллантиришнинг самарадорлигини оширишнинг ҳар хил воситалари ва усуллари мавжуд бўлиб, уни педагог ўз ихтиёрига қараб қўллаши мумкин. Шу сабабли ҳам ушбу жараёнда педагогик моделни амалга оширишнинг бирдан-бир педагогик шarti, аудиовизуал воситалардан фойдаланишдир. Илмий манбаларда ўқитишнинг аудиовизуал воситалари деганда, ёзма манбалар, нусхалари, товушлар, уларнинг сақланиши, тавсифларни қайта ҳосил қилиш ва уларни ўқитиш

жараёнида фойдаланиш жараёнлари тушунилади. Чет тилларини ўқитиш жараёнида кўргазмалӣ материалларни- иллюстрацияларни, жадвалларни, чизмаларни қўллаш анъанавий характерга эгадир. Аммо, таълим муассасаларининг моддий-техник воситалар билан таъминланиши, уларнинг турлитуманлиги кейинги даврларда бошқа кўргазмалӣ воситаларни ҳам, жумладан, интерактив доскалардан фойдаланишга ҳам имконият бермоқда.

Таълим жараёнини жадаллаштириш, инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларда маданиятлараро муносабатлар самарадорлигини оширишга қаратилган кўргазмалӣ қуроллар ва воситаларнинг қўплиги, улардан фойдаланишда қатор шартларга амал қилиш заруратини келтириб чиқаради, яъни ушбу жараёнларда қуйидагиларга риоя қилиш зарур:

1. Таълим жараёнига аудиовизуал воситаларни қўллаш тизимли ва мажмуавий ҳолда олиб борилиши зарур;
2. Аудиовизуал воситалар таълим жараёнининг умумий концепциясига, мақсад ва вазифаларига тўла мос бўлиши керак;
3. Аудиовизуал воситалар умумий ўқув-услубий мажмуанинг бир компоненти бўлиши лозим;
4. Аудиовизуал воситаларни қўллашда материалларни намойиш қилиш қоидаларига риоя қилиниши зарур, яъни у талабаларга яхши кўринадиган, эшитиладиган, уни идрок қилиш учун вақт ажратилган бўлиши кабилар талаб қилинади.

Ҳозирги давр замонавий таълимида аудио-видео материалларни муайян омилларга боғлиқ ҳолда ҳар хил тасниф қиладилар. Улар ушбу омилларга боғлиқ ҳолда ҳар хил ихтисослаштирилади. Уларнинг энг кўп тарқалган турлари қуйидагилардан иборат:

- 1) мавзуларни камраб олишига кўра - бирор вазиятга, бир мавзуга бағишланган материаллар ва катта мавзулар блокига бағишланган материаллар;
- 2) аудио ва видео материаллардан фойдаланиш шартлари бўйича - ўқитувчи раҳбарлигида ўтиладиган ва талабалар мустақил фойдаланадиган материаллар.
- 3) яратилишига кўра-аутентик, адаптация қилинмаган материаллар: ўқув мақсадлари учун яратилган материаллар, ўқув мақсадларига мослаштирилган, аммо ўқиш материали ҳисобланмайдиган аудио/видео материаллар;
- 4) дидактик мақсадларга мўлжалланган, яъни йўл-йўриқ, ибратли - тасвирий характердаги материаллар;
- 5) жанрларига кўра - бадий, ҳужжатли, маданиятшуносликка, санъатшуносликка, ахборот блоклари учун, чет тилларга доир ток-шоуларга, спорт саналарига мўлжалланган материаллар;
- 6) тузилиши ва тўлиқлик даражасига кўра бир бутун, бўлақларга ажратилган.

Ушбу материаллар орасида ахборот ташувчи аутентик аудиовизуал воситалар шак-шубҳа йўқки, катта устунликка эга.

Кўрсатилган педагогик шартларни амалга ошириш жараёнида аудиовизуал материаллардан фойдаланиш методикаси тизимли характерга эга бўлса, маълум бир аниқ мақсадга қаратилса, жадал ва мақсадли намойиш этилса, фойдали бўлади. Инглиз тилидаги ҳар бир дарс машғулотини – бу маданиятлар чорраҳасидир, у [4:352] маданиятлараро фаолиятнинг, муносабатларнинг бир кўринишидир. Шу сабабли ҳам ҳар бир инглиз тилидаги сўз инглиз маданиятини, инглиз оламини акс эттиради, ҳар бир сўз замирида миллий онг билан шартланган олам тўғрисида тасаввур ётади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш, бошқа соҳаларда бўлгани каби қийин ва муррақаб вазиятни бошидан кечирмоқда. Чунки барча соҳаларда туб ўзгаришлар, катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу даврда мавжуд кадрятларни қайта баҳолаш, мақсад ва вазифаларни қайта кўриб чиқиш ва янгилаш, метод ва усулларга янгича муносабатда бўлиш қарор топмоқда. Шу сабабли ҳам, шундай қийин бир вазиятда мазкур соҳада катта ўзгаришларни кутиш, ижтимоий шов-шувларни, жамоатчиликда мотивларнинг бутунлай ўзгаришини исташ, инглиз тилини ўқитиш жараёнига бутун куч қудратни сафарбар этиш маъносиздек туюлади.

Янги вақт, янгича шарт-шароитлар инглиз тилини ўқитишнинг умумий методологиясини, инновацион таълим методларини тубдан ўзгартиришни такозо этади. Мазкур янги ҳолат ва шароитлар янгилашган Ўзбекистоннинг кўриниши, янги киёфаси, унинг жаҳон ҳамжамиятига баралла кириб бориши, сиёсатда, иқтисодиётда, маданият ва мафкурада буюк сакрашлар, силжишлар, халқлар ва тилларнинг ўзаро аралашуви, бир-бирига ўзгача таъсир этиши жараёнларидир. Шунингдек, бу бизнинг фуқароларимиз билан чет элликларнинг янгича ўзаро муносабатлари ва алоқаларидир. Демак, замон ўзгарди, алоқалар ва муносабатлар ҳам ўзгаради. Бу ҳодисалар инглиз тилини ўқитиш масалалари олдида қўйган назарий ва методик муаммолари қаторига янгича вазифаларни қўйиши аниқ.

Мазкур белгиланган вазифаларни амалга ошириш шароитида ижтимоий-тарихий эҳтиёжларни қондириш учун қуйидаги [4:352] нофилологик тамойилларни тавсия қиламиз:

1) тилни мутахассислараро алоқа воситаси сифатида ўргатиш, уни маданият, иқтисодиёт, ҳуқуқ, амалий

математика, фаннинг ҳар хил соҳалари билан алоқадор ҳолда ишлаб чиқариш қуроли сифатида ўрганиш, инглиз тили қўлланиладиган соҳаларда уни ишлаб чиқариш қуроли ва алоқа воситаси сифатида ўргатишнинг методларини илмий асослаш ва ишлаб чиқиш;

2) тилларни функционал ўрганиш, яъни уни жамиятнинг қайси соҳаларида (фанда, техникада, иқтисодиётда, маданиятда ва бошқа соҳаларда) қўлланиши йўналишида ўрганиш;

3) инглиз тилини ҳар хил мутахассисларга ўқитиш бўйича тўпланган катта амалий ва назарий тажрибаларни умумлаштириш;

4) инглиз тилида халқаро ва маданиятлараро жамоатчилик билан мулоқот қила оладиган инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

5) тилни синхрон йўналишда ўрганиш, уни ушбу тилда сўзлашувчи халқнинг ижтимоий, маданий, сиёсий ҳаёти билан боғлаб, уни тил муҳитининг объектив олами билан боғлиқлиги жиҳатидан ўрганиш.

Шундай қилиб, бугунги кунда тилни ўрганиш мотивлари бутунлай ўзгарди яъни, тил бошқача доирада, яъни олам билан боғлиқ ҳолда ўрганила бошланди. Бу эса тилни бошқача йўналишда ўрганишни талаб этди, шу муносабат билан “тилшунослик ва маданиятлараро муносабатлар” мутахассислигини жорий этиш ва ўқитувчиларнинг янги тип-маданиятлараро инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашни бошлаш зарурати пайдо бўлди.

Адабиётлар

1. Кафтайлова Н.А. “Терминологическое поле межкультурного подхода к обучению иностранным языкам”. -М.: 2008, -С. 78-82.

2. Халилова Ш.Т. Жаҳон тилларини ўрганиш жараёнида талабаларда ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари. Педагогика фанлари доктори диссертацияси. –Тошкент: 2008, 14-15-б.

3. Никитина Е.Ю. Педагогическое управление профессиональным образованием студентов вузов: перспективные подходы. Монография. Е.Ю.Никитина, О.Ю. Афанасьева. – Москва: МАНПО, 2006, –С. 104, 154.

4. Тен Ю.П. Культурология и межкультурная коммуникация. Учебник / Под ред. А.Спивак: “Феникс”, 2007, -С. 238.

РЕЗЮМЕ. Мақолада чет тили компетенциясини ривожлантириш учун зарур бўлган талабалар ўртасида маданиятлараро муносабатларни ривожлантиришнинг педагогик шартлари муҳокама қилинади, олий касбий таълим эҳтиёжлари ва талабалари, таълим шароитлари каби омиллар ҳисобга олинади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются педагогические условия развития межкультурных отношений среди студентов, необходимые для развития у обучающихся иноязычной компетенции, учитываются такие факторы, как потребности и требования высшего профессионального образования, условия образовательного.

SUMMARY. The article discusses the pedagogical conditions for the development of intercultural relations among students, necessary for the development of foreign language competence among students, takes into account such factors as the needs and requirements of higher professional education, educational conditions.

HARAKATLI O'YINLARNING MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR JISMONIY XUSUSIYATLARI RIVOJLANISHIGA TA'SIRI

H.A.Safoyev – dotsent

Buxoro muhandislik - texnologiya instituti

Tayanch soʻzlar: yosh bola, maktabgacha tarbiya, zamonaviy taʼlim, xatti-harakat, rollar, milliy gʻurur, axloq va odoblilik, faoliyat urf-odat, bilim, koʻnikma, malaka, mahorat, iroda.

Ключевые слова: ребёнок раннего возраста, дошкольное образование, современное образование, поведение, роли, национальная гордость, нравственность и порядочность, деятельность, традиция, знание, умение, компетентность, умение, воля.

Key words: child, preschool education, modern education, behavior, roles, national pride, morality and decency, activity, tradition, knowledge, skill, competence, ability, will.

Harakatli oʻyinlar harakat qobiliyatlarini rivojlantirish vazifasining amalga oshirilishini maksimal darajada taʼminlaydi, chunki ularning mazmuni harakat dasturlarini shakllantirish va almashtirishga yoʻnaltirilgan. Maʼlumki, insonning rivojlanish jarayonida egallab boradigan harakat tajribasi turli darajadagi harakat dasturlarining yuzaga kelishi va mustahkamlanishida oʻz ifodasini topadi. Harakat malakalari qanchalik xilma-xil boʻlsa, yangi harakatlarni oʻzlashtirish imkoniyatlari shuncha koʻp boʻlishi tabiiy [3, 4]. Harakatli oʻyinlar murakkab tizimlar boʻlgan tana va uning qismlari holatlari, harakatlar va harakat faoliyatlarining tez-tez almashtirish turishi bilan tavsiflanadi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning asosiy harakat turlarini rivojlantirishning oʻziga xos xususiyatlari mavjud. Oʻrgatishning ushbu bosqichida harakat malakalari va

koʻnikmalari koʻlamining kengayishi, jismoniy fazilatlar (tezlik, chidamlilik, tezkorlik va boshqalar)ning rivojlanishi bilan bogʻliq holda ham mashqlarni yaxlit, ham harakat texnikasi elementlarini alohida-alohida muvaffaqiyatliroq oʻzlashtirish imkoniyati yuzaga keladi. Besh-olti yoshli bolalarda oʻz oldilariga qoʻyilgan vazifalarni ongli tushunib etish, vaziyatni baholash, oʻz harakatlarini boshqara bilishga muayyan tayyorgarlik boʻladi, shuning uchun ogʻzaki koʻrsatma berish va tushuntirish yordamida maktabgacha yoshdagi bolalarning harakat faoliyatida mustahkam bilim va koʻnikma shakllantirish mumkin boʻladi. Bolalarning har tomonlama rivojlanishida oʻyin asosiy faoliyat turi boʻlib hisoblanadi. Bola yoshligida qanchalik koʻp oʻynasa, buning maktabda yaxshi oʻqishiga va keyinchalik mehnat faoliyatiga ijobiy taʼsir koʻrsatadi.